
ЁЛҒОН МАЪЛУМОТ ТАРҚАТИШ КИМГА КЕРАК БЎЛДИ?

Ижтимоий тармоқлар орқали **“Риштон тумани Воҳим қишлоғи аҳолиси 2 миллион сўмдан йиғиб газ тортган эдик. Олдиндан 200 минг сўм тўлов қилдик. Энди газга улансангиз, ойлик тўловга ўтасизлар дейишяпти. Ҳар ойга 300 минг сўмдан тўлаш жуда оғир-ку...”** деган мурожаат эълон қилинди. Ушбу мурожаат юзасидан “Худудгаз Фарғона” Риштон тумангаз бўлими ва туман ҳокимлиги қошида ишчи гуруҳ ташкил этилди ва мазкур ҳолат ўрганилди.

Ўрганишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, Воҳим қишлоғида газ тортиб келиш учун ҳеч қандай пул йиғилмаган. Бундан ташқари, фуқаролар томонидан хонадонларидаги газ ҳисоблагич ишламаётган аҳоли ўзларининг розилиги билан ойлик тўлов қилинаётгани таъкидланди. Воҳим қишлоғида яшовчи фуқаролар таббий газ масаласида Риштон тумангаз ходимларига ҳеч қандай эътироз йўқлигини билдириб, бундай ёлғон хабарлар тарқатиш кимларга керак бўлди экан, деб хайрон қолишди.

Қолаверса, қишлоқ аҳоли томонидан Риштон тумангаз раҳбари номига ташаккурнома юборилди. Ушбу ташаккурнома илова қилинмоқда.

Худудгаз Фаргона ГТФ
Риштон тумани бўлими бошлиғи
С.Собировга,

ТАШАККУРНОМА.

Хурматли Сардорхон Мухторович Собиров,

Вохим қишлоғида жами 13 та кўчаларда 4110 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Куз қиш мавсумида қишлоғимизнинг Хаваскор, Ёшлик, Вохим, Қўрғонча, Гузар, Анхор бўйи ва Тошкент кўчаларида яшовчи аҳоли хонадонларида Сизнинг шарофатингиз билан табиғ газ ёнаётганиги учун аҳоли Сиздан миннатдорчилик билдиради.

Сизга сихат саломатлик ва келгуси ишарингизда омадлар тилаймиз деб Вохим қишлоғи аҳолиси номидан

Вохим МФЙ раиси;

Хаваскор кўчаси бошлиғи

Ёшлик кўчаси бошлиғи

Вохим кўчаси бошлиғи


Анхор бўйи кўчаси бошлиғи

Ёшлик кўчаси бошлиғи


Тошкент кўчаси бошлиғи


Қўрғонча кўчаси бошлиғи




 X.Курбонов.

 Қ.Ахмедов.

 В.Ахмадаев.

 И.Икромов.

 Г.Сайдалиев.

К.Кодиров

Р.Эбодуллав.

Х.Холиков.

2020-12-13 13:04

2020-12-13 17:13:48